

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

27 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидала- рини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2752*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлда-
ги 195-сонли «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқаролар-
ни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ноги-
ронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга
йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги
қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқ-
ни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комис-
сияларида кўриқдан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 декабрь,
104-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 декабрь,
41-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2015 йил 10 декабрдаги
104 ва 41-сон қарорига
ИЛОВА

16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. 16 ёшгача бўлган ногирон болалар (бундан буён матнда ногирон бола деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси бўлими деб юритилади) тиббий кўриқдан ўтказиш мақсади кўрсатилган мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги йўлланмасига (бундан буён матнда йўлланма деб юритилади) асосан туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади) томонидан кўриқдан ўтказилади.

Ногирон болани ТМЭКда кўриқдан ўтказиш ногирон боланинг қонуний вакили (ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасасининг (бундан буён матнда ДПМ деб юритилади) тиббий-маслаҳат комиссияси (бундан буён матнда ТМК деб юритилади) томонидан берилган 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақидаги тиббий хулосанинг (бундан буён матнда тиббий хулоса деб юритилади) асослилигини ўрганиш мақсадида амалга оширилади.

2. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ТМЭКга тақдим этиладиган йўлланмага ногирон болага берилган тиббий хулоса илова қилинади.

3. ТМЭКга йўлланма келиб тушганда, у ТМЭКнинг масъул ходими томонидан мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни кўриқдан ўтказиш натижаларини қайд қилиш журналида (бундан буён матнда Журнал деб юритилади) рўйхатга олинади.

Журналга йўлланмада кўрсатилган ногирон бола ва унинг қонуний вакилига оид маълумотлар ҳам киритилади.

4. Йўлланма рўйхатга олингандан сўнг ТМЭК томонидан тиббий хулосани берган ТМК тегишли бўлган ДПМдан ногирон боланинг амбулатор картаси, касаллик тарихидан кўчирмалар ва бошқа тиббий ҳужжатлар (бундан буён матнда тиббий ҳужжатлар деб юритилади) ўрганиб чиқиш мақсадида сўраб олиниши мумкин. Бунда ТМЭК томонидан тегишли ДПМга сўровнома юборилади.

ДПМнинг масъул ходими ТМЭКнинг сўровномаси келиб тушгандан кейин бир иш куни ичида ногирон боланинг тиббий ҳужжатларини ТМЭКга етказиб беради. ДПМ томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ТМЭКда ўрганиб чиқилгач, улар ДПМга қайтарилади.

ТМЭКнинг масъул ходими ДПМ томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатлар ҳақидаги тегишли маълумотларни Журналга киритиши лозим.

5. ТМЭКда ногирон болани йўлланмасиз кўриқдан ўтказиш тақиқланади.

6. 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2005, 2009 йил 15 сентябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Ногирон болани ТМЭКда кўриқдан ўтказиш ва ТМЭКнинг консултатив хулосасини чиқариш

7. ТМЭК томонидан ногирон болага берилган тиббий хулоса ҳамда унинг тиббий ҳужжатлари тўлиқ ўрганиб чиқилади ва натижаси бўйича ногирон болани кўриқдан ўтказиш ёки кўриқдан ўтказмасдан сиртдан консултатив хулоса чиқариш ҳақида коллегиял қарор қабул қилинади.

8. ТМЭК томонидан ногирон болани кўриқдан ўтказиш ҳақида қарор қилинганда, кўриқдан ўтказиш санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда ТМЭКда кўриқдан ўтиш талони расмийлаштирилади ва у ногирон боланинг қонуний вакилига берилади.

9. Ногирон болани ТМЭКда кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра унга берилган тиббий хулосанинг асослилиги ёки асоссизлиги юзасидан ТМЭКнинг консултатив хулосаси чиқарилади.

Тиббий хулосанинг асоссизлиги юзасидан ТМЭКнинг консултатив хулосасида уни асослантурувчи сабаблар кўрсатилиши шарт.

10. Тиббий хулоса ҳамда тиббий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш натижасида ногирон болада мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ Консултатив хулосани сиртдан чиқариш ҳуқуқини берувчи касалликлар ва патологик ҳолатлар рўйхатида кўрсатилган касалликлар ёки патологик ҳолатлар мавжудлиги аниқланса, ногирон бола кўриқдан ўтказилмайди. Бунда ногирон болага берилган тиббий хулосанинг асослилиги юзасидан ТМЭКнинг консултатив хулосаси сиртдан чиқарилади.

ТМЭК раиси ёки аъзоларининг бири консултатив хулосани сиртдан чиқариш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда, ногирон бола ТМЭК томонидан кўриқдан ўтказилади.

11. ТМЭК томонидан ногирон болани кўриқдан ўтказиш ва унга берилган тиббий хулосанинг асослилиги ёки асоссизлиги юзасидан консултатив хулоса йўлланма қабул қилиб олинган кундан бошлаб етти иш куни ичида чиқарилиши шарт.

12. ТМЭК ногирон болага берилган тиббий хулосани ва унинг тиббий ҳужжатларини ўрганиб чиқишда, шунингдек ногирон болани кўриқдан ўтказиш вақтида унинг клиник ташхисига аниқлик киритиш мақсадида у ДПМга қўшимча лаборатор-инструментал текширишга юборилиши мумкин. Бунда ногирон боланинг қонуний вакилига ДПМга қўшимча лаборатор-инструментал текширишга юбориш бўйича йўлланма топширилади.

Қўшимча лаборатор-инструментал текшириш уч кун ичида ўтказилади. Бундай ҳолларда мазкур Қоидаларнинг 11-бандида белгиланган муддат бузилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

13. Ногирон боланинг қўшимча лаборатор-инструментал текширишдан ўтказиш натижалари унинг қонуний вакили томонидан ТМЭКга етказиб берилади.

14. Қўшимча лаборатор-инструментал текшириш натижалари ТМЭК консултатив хулосасини чиқаришда асос қилиб олинади ва улар ҳақидаги маълумотлар Журналга қайд қилинади.

15. Ногирон болани кўриқдан ўтказиш ва ТМЭК консултатив хулосасини чиқариш тўлиқ таркибда ўтказиладиган ТМЭК мажлисида коллегиял тартибда амалга оширилади.

ТМЭК мажлисида тиббий хулоса берган ТМК раиси ёки врач иштирок этиши мумкин.

16. Ногирон боладаги касаллик тури ёки патологик ҳолатидан келиб чиқиб ТМЭК консултатив хулосасини чиқариш учун ТМЭК мажлисида Бош ТМЭКнинг тегишли мутахассислари (офтальмолог, фтизиатр, психиатр) иштирок этиши мумкин.

17. ТМЭК жойлашган жойда ТМЭК консултатив хулосасини чиқариш имкони бўлмаса (ногирон бола шифохонада ёки уйда даволанаётган бўлса), ТМЭК консултатив хулосаси ТМК тавсияси асосида уйда ёки стационарда сайёр мажлисида чиқарилиши мумкин.

18. ТМЭК консултатив хулосаси чиқарилиши билан у дарҳол ТМЭК раиси томонидан ногирон боланинг қонуний вакилига маълум қилинади.

19. ТМЭК консултатив хулосаси чиқарилганда, у ҳақидаги маълумотлар Журналга қайд қилиниб, Журналнинг тегишли графасида ТМЭК раиси ва аъзолари, Бош ТМЭКнинг тегишли мутахассислари (агар иштирок этган бўлса), ТМК раиси ёки врач (агар иштирок этган бўлса) томонидан имзолар қўйилади ва уларнинг имзолари ТМЭК муҳри билан тасдиқланади.

20. ТМЭК консултатив хулосаси сиртдан чиқарилганда, Журналнинг «Изоҳ» графасига тегишли белги қўйилади.

21. ТМЭК консултатив хулосаси чиқарилган куни у йўлланманинг қирқма қисмига расмийлаштирилади ва ТМЭК раиси томонидан имзоланади. ТМЭК раисининг имзоси ТМЭК муҳри билан тасдиқланади.

22. ТМЭК консултатив хулосаси расмийлаштирилган йўлланманинг қирқма қисми тиббий хулоса билан бирга уни юборган Пенсия жамғармаси бўлимига у расмийлаштирилган куннинг ўзида юборилиши лозим.

3-боб. Яқуний қоидалар

23. ТМЭК консултатив хулосасидан норози бўлган ТМК Бош ТМЭКга муурожаат қилиши мумкин.

24. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

16 ёшгача бўлган ногирон болаларни
тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

16 ёшгача бўлган ногирон болани ТМЭКда кўриқдан ўтказиш учун ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ туман
(шаҳар) бўлими

20__ йил «__» _____ -сон

_____ -сонли
(вилоят (шаҳар) / республика)

_____ ТМЭК раисига
(туман / туманлараро / шаҳар / ихтисослаштирилган)

1. Ногирон боланинг Ф.И.О.: _____.
2. Ногирон боланинг туғилган санаси: _____.
3. Ногирон боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг Ф.И.О.: _____.
4. Ногирон боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг яшаш жойи ва телефон рақами: _____.
5. ТМК томонидан тиббий хулоса берилган сана: _____.
6. ТМК тегишли бўлган ДПМнинг номи: _____.

7. Ногирон болани ТМЭКга кўриқдан ўтказиш учун юборишнинг мақсади: _____.

Пенсия жамғармаси
бўлими бошлиғи

М.Ў. _____
(имзо)

_____ (Ф.И.О.)

-----*(қирқиш чизиғи)*-----

16 ёшгача бўлган ногирон болани ТМЭКда кўриқдан ўтказиш учун йўлланманинг қирқма қисми
(Пенсия жамғармаси бўлимига қайтарилади)

_____ -сон

_____ -сонли _____ ТМЭК
(вилоят (шаҳар) / республика) (туман / туманлараро / шаҳар / ихтисослаштирилган)

томонидан _____ йилда туғилган _____ кўриқдан
(ногирон боланинг Ф.И.О.)

ўтказилиб, унга ТМК томонидан берилган «_____» _____ 20__ йилдаги _____ -сонли тиббий хулоса _____ тўғрисида консултатив хулоса чиқарилди.
(асослиги / асосизлиги)

Тиббий хулоса асосизлигининг сабаби (агар асосиз деб хулоса қилинган бўлса): _____

ТМЭК консултатив хулосаси чиқарилган сана: 20__ йил «_____» _____.

ТМЭК раиси

М.Ў. _____
(имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «_____» _____.

16 ёшгача бўлган ногирон болаларни
тиббий-мехнат эксперт комиссияларида
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
2-ИЛОВА

**16 ёшгача бўлган ногирон болани кўриқдан ўтказиш натижаларини қайд қилиш
ЖУРНАЛИ**

Юриктигиш бошланди: _____ йил.
Юриктигиш тугатилди: _____ йил.

	T/p
1	Йўлланманинг санаси ва сони, унинг ТМЭКда рўйхатга олинган санаси
2	Ногирон боланинг Ф.И.О.
3	Ногирон боланинг туғилган санаси
4	Ногирон боланинг қонуний вакилининг Ф.И.О.
5	Ногирон боланинг қонуний вакилининг яшаш жойи ва телефон рақами
6	ТМК томонидан ногирон болага берилган тиббий хулосанинг санаси ва сони
7	ДПМ томонидан тақдим қилинган тиббий ҳужжатлар
8	Ногирон болага белгиланган қўшимча лаборатор-инструментал текширишнинг тури, йўлланма берилган сана (агар ногирон бола текширишга юборилган бўлса)
9	Қўшимча лаборатор-инструментал текшириш натижалари (агар ногирон бола текширишдан ўтган бўлса)
10	ТМЭК консультатив хулосаси
11	ТМЭК консультатив хулосасини чиқаришда иштирок этган шахсларнинг Ф.И.О ва имзоси (ТМЭК раиси ва аъзолари, Бош ТМЭКнинг тегишли мутахассислари, ТМК раиси ёки врачи)
12	Изоҳ

16 ёшгача бўлган ногирон болаларни
тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
З-ИЛОВА

**Консультатив хулосани сиртдан чиқариш ҳуқуқини
берувчи касалликлар ва патологик ҳолатлар
РЎЙХАТИ**

I бўлим. Ички аъзолар касалликлари

1. Бирламчи артериал гипертония (гипертония касаллиги) (буйраклар шикастланиши устунлиги билан).
2. Қон айланишининг III даражаси билан кечувчи коронар етишмовчилиги.
3. Қон айланиши етишмовчилигининг III даражаси билан кечувчи юрак касалликлари ва нуқсонлари.
4. Сурункали буйрак етишмовчилигининг III босқичи.
5. Нафас етишмовчилигининг III даражаси билан кечувчи сурункали ўпка касалликлари.
6. Жигарнинг туғма, ирсий, орттирилган касалликларида кучли турғун қайта тикланмайдиган функционал бузилишлари.
7. Ацетонурия ва коматоз ҳолатларга мойиллик билан кечувчи қандли диабетнинг оғир турлари.
8. Гипофизар нанизм.
9. Кучли ифодаланган гормонал бузилиши билан кечувчи эндокрин тизими касалликлари.
10. Тик туриш ва тос аъзолари фаолияти бузилиши билан намоён бўлган умуртқа поғонаси сили.
11. Аддисон касаллиги (сурункали буйрак усти бези етишмовчилиги билан кечувчи).
12. ОИВ инфекциясининг III даражаси ва ОИТС.
13. Лейкозлар (ўткир лимфолейкоз, сурункали миелолейкоз, ўткир но-лимфатик лейкозлар).
14. Гемофилиянинг ҳамма турлари.

**II бўлим. Асаб тизимининг касалликлари ва
руҳий бузилишлар**

15. Сурункали ривожланиб борувчи ва турғун ҳаракат, нутқ, кўриш фаолиятининг бузилиши (паркинсонизм, фалаж, афазия, мувозанатни бузилиши, атаксия) билан кечувчи марказий асаб тизимининг юқумли касалликлари, ривожланиб борувчи мия шиши (кучли гидроцефалия), тос аъзолари фаолиятининг бузилиши:

- а) энцефалитлар, энцефаломиелитлар, миелитлар;
- б) ён амиотрофик склероз;
- в) тарқалган склероз (мияча ва спинал тури, кучли мувозанатнинг бузилиши, парапарез билан кечиши).

16. Бош ва орқа мия жароҳатининг узоқ муддатдан кейинги асоратларининг кучли ҳаракат бузилишлари билан кечиши ҳолатлари (гемиплегия, кучли ифодаланган гемипарез, параплегия, кучли ифодаланган парапарез, триплегия, кучли ифодаланган трипарез, тетраплегия, кучли ифодаланган тетрапарез, афазия).

17. Орқа миянинг узоқ муддатдан кейинги турғун асоратларининг кучли ифодаланган ҳаракат бузилишлари билан кечиши (фалажлар ва кучли ифодаланган парезлар, тос аъзолари фаолиятининг кучли бузилиши).

18. Бош мия қон айланиши бузилишининг оғир асоратлари (гемиплегия, кучли ифодаланган гемипарез, психоз, кучли ифодаланган ақлий қобилятнинг бузилиши), болалар церебрал фалажи.

19. Тез-тез қайталанувчи эпилепсия (шахс ўзгариши ва ақлий пастлиги билан кечиши).

20. Марказий асаб тизимининг кучли ривожланиб кечувчи касалликлари: миопатия, миотония, қалтироқ, фалажнинг кучли ривожланган ва мувозанатнинг бузилиши билан кечиши ҳолатлари.

21. Периферик асаб тизимининг узоқ вақтдан кейинги орқага қайтмас асоратлари, қўл-оёқларнинг узоқ вақт фалажлиги, кучли ифодаланган парезлар, трофик бузилишлар.

22. Бош мия ва орқа миянинг нооперабел ўсмалари.

23. Келиб чиқиши ҳар хил бўлган ақлий заифликнинг чуқур ва оғир тури.

24. Ақлий қобилятни кескин пасайиши билан кечувчи шизофрения.

25. Даун касаллиги (21 жуфт хромосоманинг тўлиқ трисомияси, интеллектнинг бузилиши ва 1-Б даражадаги қон айланишининг бузилиши билан кечишида).

III бўлим. Хирургик касалликлар ва анатомик нуқсонлар ҳамда деформациялар

26. Бир ёки иккала қўлларда туғма ва орттирилган оғир даражадаги деформациялар ва ампутацион чўлтоқлар: елка, билак чўлтоқлиги, кафтнинг йўқлиги, резекциядан кейинги осилиб турувчи елка ва тирсак бўғимлари, бармоқларнинг йўқлиги.

27. Бир ёки иккала оёқларда туғма ва орттирилган оғир даражадаги деформациялар ва ампутацион чўлтоқлар: сон, болдирнинг чўлтоғи, кафтнинг йўқлиги, резекциядан кейинги чаноқ-сон ва тизза бўғимлари ўйноқлиги.

28. Умуртқа поғонасининг жароҳатдан кейинги асоратлари, тос аъзолари фаолиятининг турғун бузилиши (ўткир ва ўткир ости даврда).

29. Нефро ёки пульмонэктомиядан кейинги асоратлар.

30. Инкурабел ёмон сифатли ўсмаларнинг оғир шакли.

**IV бўлим. Кўз ва унинг қўшимча аппарати
касалликлари ва жароҳатлари**

31. Кўз соққасининг йўқлиги (анофтальм).
32. Кўз соққасининг субатрофияси.
33. Икки томонлама кўрлик.

V бўлим. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари

34. Болаликдан кар-соқов.